ВОСИТ САЪДУЛЛА

# ЖОНАЖОН
(ҒАЗАЛЛАР)

Тошкент
Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғазалнавис шоир Восит Саъдулла бу китобидан ўрин олган асарларида бунёдкор ёшларни, уларнинг меҳр-муҳаббатларини, орзу-ўйларини мадҳ этади.

С $\frac{70403-91}{356(04)-81}$ 53—81 4700000000

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1981.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХИЁБОНЛАР

Сиз бирла гўзал шаҳрим, дилрабо хиёбонлар,
Дунёча туринг яшнаб, хушҳаво хиёбонлар.

Соянгиз сўлим-салқин жонларга берар ором,
Ёзларда сайргоҳим бебаҳо хиёбонлар.

Баргларда шафақ ўйнар, ёшларга қнёс гўё,
Оқшоми сеҳрлик кўр, сержило хиёбонлар.

Боғларга туташ йўллар касб этди чирой, сиздан,
Шаҳримга ташаккурлар беадо хиёбонлар.

Шаҳримни этиб дилбар ораста чинорларким,
Бўлдингиз азиз, машҳур эларо хиёбонлар.

Кўнглимга кўчиб сизким ҳар ерда хаёлим гул,
Йўқ менда паришонлик мутлақо хиёбонлар.

Гар келса азиз меҳмон шодликка тўлиб сизни
Воситга этиш кўз-кўз муддао, хиёбонлар.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНОСИБ

Келин-куёв умрнинг баҳорига муносиб,
Сайр этса бирга-бирга гулзорига муносиб.

Кўрдим чаманда ҳамма олмас кўзин улардан,
Минг офарину таҳсин изҳорига муносиб.

Борарди иккиси ҳам боғни қилиб сумансо,
Гулларда жилвалар ҳам рухсорига муносиб.

Гоҳ келину гоҳ куёв ширин такаллум айлаб,
Сўз дерди ошиқона гуфторига муносиб.

Кийим чунон ярашган, бир-бирига чиройлик,
Қоматда тебраниш ҳам рафторига муносиб.

Кўриб уларни боғда кўзлар ҳаваса тўлди,
Ҳай-ҳай бу ёри зебо дилдорига муносиб.

Кўриб бу икки ёшни, Восит, дили чароклаб,
Ёзди ғазал ёшларнинг ёр-ёрига муносиб.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОНАХОНЛАР

Фарзандга қилур меҳрини дарё онахонлар,
Васфида яна булбули гўё онахонлар.

Дилбанди учун роҳати-заҳмат неча йиллар,
Бермайди ўзин ғуссага асло онахонлар.

Бергай уни бир ҳислати ким севгига ёшлик,
Орзулари минг Зуҳро, Сурайё онахонлар.

Пок истаги, ниятлари элларга омонлик,
Қарғайди уруш-ҳижронни расо онахонлар.

Сурсин деб ўғил-қизларимиз давр ила даврон,
Қилғай туну кун жон бир-ла дуо онахонлар.

Воситни абад кўнглида яшнар она меҳри,
Бўлмайди қилиб мадҳини адо онахонлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# АҲД

Менга бир дарёча қудрат берди аҳд,
Қудратимча ишга журъат берди аҳд.

Журъату қудратчалик фикру хаёл,
Уддабурролик, фаросат берди аҳд.

Зеҳну ақлим бирла ҳар иш режалик,
Кўзлаган ниятга нусрат берди аҳд.

Ишга қўл урсам муродим балқиди,
Журъатимга катта суръат берди аҳд.

Меҳнатим бахш этдим элга, бу билан
Эътиборим ошди, ҳурмат берди аҳд.

Эл чиройлик бўлса ҳуснинг ортади
Деб менга оламча ҳиммат берди аҳд.

Аҳди йўқда доимо пайсалда иш,
Кўрсатиб сусткашни ғайрат берди аҳд.

Тилга тушдим элда ўз аҳдим билан,
Менга, Восит, шунча Шуҳрат берди аҳд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЯНГИ ЙИЛ

Ҳамма йилдай элга келтир қут, шараф-шон, янги йил.
Бўлсин уйлар бундан ортиқроқ фаровон, янги йил.

Рост, бу айём давраларда тонггача айтилса ҳам
Дилда орзулар тугалмас, ёзса достон, янги йил.

Зўр умид бирла эшик очгай сенга ҳар хонадон,
Қил бўлиб қутлуғ қадам ҳар уйни хандон, янги йил.

Кимга диплом, кимга тўй, кимларга фарзанд орзу,
Элга қўшмоқ бир чирой аҳдида ҳар жон янги йил.

Кимга орзу қаҳрамонлик ким Ватан шаънига хос,
Шул сабаб қилгай фазо; чўлларда жавлон, янги йил.

Келтирай дер қанча ёшлар ишчи номига шараф,
Ўрганиб илму ҳунар, меҳнатни чандон, янги йил.

Янги беш йилликни бошлаб келганинг соз бўлди ким,
Бунда бўлгай эзгулик ишлар намоён, янги йил.

Гар шаклланса не тонг бундай ҳаёт парвозида,
Янги касбу янги одат, янги инсон, янги йил.

Янги режа лойиҳа азмида диллар барқарор,
Аҳди=қилмоқ янги бўстон, янги хирмон, янги йил.

Мулки ободимга хуш келдинг деган Воситни ҳам,
Хуш кўриб, бер эл қатори давру даврон, янги йил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДУНЁ—КИТОБ

Менга зўр, дунёча кенг фикру хаёл берган китоб,
Элга ибрат ўйласам обрў, камол берган китоб.

Яхши суҳбатдош эрур бўш чоғларим у мен билан,
Ким гўзал сўз санъатин ҳам бемисол берган китоб.

Бу ёруғ оламгаким зеҳним югурди нур бўлиб,
Барча иллатларни фош айлаб, завол берган китоб.

Сўз билан суҳбатда ҳар дилни мусаххар айлаган,
Тилларимга ўтли сўз, ширин мақол берган китоб.

Бўлғуси кўнглим чаман сайру томошодин мудом
Элга ҳам орасталик, кулган жамол берган китоб.

Яшнамасдан чўл бўлиб қолгай китобсиз ҳар кўнгил,
Элни гўё яйратиб оби-зилол берган китоб.

Ҳар ҳунар, ишга ривож, ижодга ундан юксалиш,
Боғу роғларга ҳаёт — янги ниҳол берган китоб.

Турли-турли муҳташам бинолару йўллар билан
Шаҳру қишлоқларга сўзсиз ўзга хол берган китоб.

Янги-янги ихтиролар бирла ҳар бир лаҳзада,
Қўл эмас, фан ишласин деб, элга бол берган китоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дафъатан бошлар алифбо бизни олам сайрига,
Тўхтамас сўнг сайримиз, шундай камол берган китоб

Ҳисса қўшган эзгулик иш, турмушимга ҳар маҳал,
Қанча орзуларга ҳам, Восит, висол берган китоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЁШЛИГИНГ

Бергисиз бир ўзгача антиқа даврон ёшлигинг,
Шўхлиғу минг бир ҳавас, орзуга майдон ёшлигинг.

Ҳамма нарса беғубор, сиғмас кўнгилга нашъалар,
Маскан этгандек баҳор кўнглингни, бўстон ёшлигинг.

Йўлларинг равшан, кутар илму ҳунар, дўстлар сени
Қайга борсанг имтиёзу катта имкон ёшлигинг.

Тоғу саҳро, боғу дарёлар қувончи сен билан,
Эътибору ифтихордан кўкси осмон ёшлигинг.

Қайси ерларга учарсан орзиқиб, орзу қанот,
Уз ўйинг торлик қилиб, урганда жавлон ёшлигинг.

Бир куни олгай муҳаббат бағрига сеҳри билан,
Шунда қилгай ўтли туйғуларда туғён ёшлигинг.

Узни орзуларга қил, Восит, сафарбар этгани,
Утмасин пуч пистадек бемаҳзу хандон ёшлигинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГУЛТОЖ

Меҳримни қилай юртни баланд парвозига гултож,
Ҳар садқа кўнгил меҳнатда сарафрозига гултож.

Янграр Ватаним авжи бугун кенг курра, самода,
Дилбоз лапару қанча қўшиқ овозига гултож.

Чўлларни қилиб шаҳру чаман яшнаган эл — бу,
Гул бағрида яйрашу сайраш жонбозига гултож.

Ким боқса қолур жилвали гул биносида кўзлар,
Ҳайрат-ла қараш меъморини пардозига гултож.

Устирди Ватан ардоғида ҳам берди саодат,
Қучган зафарим токи тирик эъзозига гултож.

Севган еридай деҳқонда тилак — элга саховат,
Куз неъмати, ҳосиллари зўр ёзига гултож.

Сайратди Ватан Воситга бериб завқли ҳаёт ким
Ёзган ҳама ашъори замон созига гултож.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЁШЛАР

Кирди-ю, байрамда ёшлар бўлди ҳар майдон олов,
Сафда юз, кўзлар олов, қўлларда туғ алвон олов.

Ташласа кўз ким, тушиб кўзга ҳаёт учқунлари,
Ўт олар қалбинг шу он, айлаб сени хирмон олов.

Гоҳ қизил, гоҳ арғувон рангларда фантон ҳам бугун,
Унга ҳам гулчеҳралар урмиш магар чандон олов.

Бўлди боғлар ҳам қаранг бу навқиронлар сайридан,
Ерга тушгандай уфқ ким лола ранг бўстон олов.

Оқ чодирга тўлди кўк ким турфа юлдуздек чаман,
Ерга келмоқда тушиб, ондин бу кенг осмон олов.

Иштиёқ, орзу, ҳароратдан ёнар тоғдек кўнгил,
Ўт чиқиб боссам оёғимдан олар ҳар ён олов.

«Ўтли диллар» бир-ла чўғдек бу ҳаёт, Восит, ҳамон,
Ёшлигингдай ўтли бўл умринг бўйи, даврон олов.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# УЗМАС МЕҲР

Агар дўст изласанг лойиқ, қидир, ақли расодан топ,
Ўзин эъзоз этиб, қадрини билган ошнодан топ.

Ҳақиқий дўст чизиб ер сўзламас, кўзга қараб сўзлар,
Бу хил дўстни садоқатлиқ, азиз аҳли вафодан топ.

Қийин жон дўстини топмоқ, келур мол дўсти ҳар ёндан,
Кириб кўнгилга боқ, топсанг эл ичра бериёдан топ.

Гоҳи шодлик, гоҳи қайғу бўлар инсон билан йўлдош
Оғир чоғингда ҳам узмас меҳр, меҳригиёдан топ.

Сени бошлар ҳаваслaрга, гоҳи иллатга ҳам дўстлар,
Билиб энг яхши орзулик, муроди бебаҳодан топ.

Азиз дўстингга роз айтиб, бўшат кўнглингни ғамлардан,
Агар айтган эсанг нодонга розингни, ҳаводан топ.

Агар дўст изласанг, Восит, дили огоҳидан топгил,
Элинг аччиқ киноя қилмасин деб «ошнодан топ».



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РОЗИ БЎЛ

Берди ерга куч, амаллар чарх уриб, ҳар ён баҳор,
Бўлди ҳар уй, ҳовлиларда мўътабар меҳмон баҳор.

Кетди қишнинг ташвиши эрка табиатлик бугун.
Ким қилиб боғу адир, тоғларда ҳам жавлон баҳор.

Сув тиниқ, ранглар тиниқ, юзлар тиниқ, кўзлар тиниқ,
Зоҳир эрмас, қилди ботинларни ҳам раҳшон баҳор,

Йўқ қаҳоқ солган булутлар, беғубор осмон билан
Ер туташгандай, бу кенгликда қилур сайрон баҳор.

Бош кўтарди гул, гиёҳлар, тугди куртак ҳар ниҳол,
Нозик илдизларгача киргач бўлиб дармон баҳор.

Бу баҳорбоп юртима келганда яйрар ҳар баҳор,
Лек кетарда қисқа умридан қилур армон баҳор.

Рози бўл, Восит, баҳордай иш қилиб, кўрсанг умр,
Чунки ҳар гал келтирар бир янги гул даврон баҳор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХОНАНДА ҚИЗ

Хониш айлаб минг таманно куйда бир соҳиб жамол,
Қилди давра аҳлини бир нахш ила ошифта ҳол.

Арғувон ҳайратда ол бўлмиш яна ўтрусида
Унга олам бахш этиб бор ҳуснини, бермиш камол.

Кўз олар зийнатлари оро топиб гулчеҳрадан
Ким либос ҳам айрамиш, деб кун туғди бизга бемисол.

Яллалардан дилга нозик туйғулар оққан сари,
Олди гирдобига кўнглим ким бўлиб дарё хаёл.

Бастакор оҳанги бу бол тилга тушди, топди жон,
Мен қувонгандек топиб махраж муаммолик савол.

Шўх хаёлига кўчирди расмини рассом кўнгил,
Истаган чоғда қилурман деб томоша бемалол.

Берди шеър, куйларга ҳам парвоз жаранглаб дилнавоз,
Солди бу нозик товушлар дилга оҳ минг қилу қол.

Соз қўшиқлар янграсин ардоқла, Восит, жонда ким
Ҳамма эл севган гўзал санъат биландир безавол.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# КУЁВ

Қутлайин, етдинг никоҳ тўйга бугун хуррам куёв,
Бу билан турмушга сен қўйдинг қадам бардам куёв.

Элга кирдинг уйланиб, бўлдинг эга остонага,
Хотирингдан бир умр чиқмас ширин бу дам куёв.

Соз кечар умринг агар бўлса умр йўлдоши соз,
Сен уни излаб юриб топдинг не бахт бардам куёв.

Барча дўст, қондошларинг ким жам бўлиб тўй базмида,
Айтдилар алёр, сенга иқбол тилаб бекам, куёв.

Энди енгилмас, оғир рўзғорни бор минг хил юки,
Боғлагил тинмай ташишга белни сен маҳкам куёв.

Кўп йил ўтмасдан бўлур бир уй бола, фарзанд билан,
Оиланг бўлгай тўлиб қудратга мустаҳкам, куёв.

Шунчалар бурчинг улуғ, Восит, Ватан олдида ким,
Ғайратингдан тушма асло, бўлма хотиржам куёв.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИЗЛАРИМ

Улғайинг дард кўрмайин соғу саломат, қизларим,
Бўлсин орзудай умр ҳам зўр аломат, қизларим.

Сизда етмоқ яхши истакларга хоҳиш бўлса бас,
Унга имкон давримизда кўп бағоят, қизларим.

Комила бўлгач тутинг, комил фикр, атворни ҳам
Шунда бўлмас ранжу озор сизга одат, қизларим.

Интилинг лойиқ ўрин олмоққа ҳар дам эларо,
Ким топар меҳнат билан ҳурмат-саодат, қизларим.

Кўнглингизни кўрсатинг гул чеҳрангиз кўзгу қилиб,
Берсин ундан ҳар ширинсўз ҳам шаҳодат, қизларим.

Сизга боғлиқдир ҳаётни бол қилиш, оғу қилиш,
Бунга умрин гул қилиб юрганлар ибрат, қизларим.

Ҳар ота ардоқлагай фарзандларин орзу билан
Келтиринг орзу қучиб, Воситга раҳмат, қизларим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЎРСАТГАЙ

Бугун чин, ўзни ширинлар жаҳон кўзгуда кўрсатгай,
Ғаму андуҳи йўқ гулчеҳрасин осуда кўрсатгай.

Бири ҳозиқ, бири меъмор, бири раҳбар, бири рассом,
Чунон нозик адо, ўз ишларин инжуда кўрсатгай.

Саодатли замон маҳбублари эрларга тенг инсон,
Етук ҳар жабҳада комиллигин билгуда кўрсатгай.

Билиб ўтмишда қизлар қисматин ким ўз замонига
Муҳаббат, меҳрини дарё қилиб, орзуда кўрсатгай.

Кўриб не-не йигитлар бу суманбарларни суҳбатда
Этолмай баҳс атайлаб, ўзларин уйқуда кўрсатгай.

Чиройли иффату меҳру вафо қайнарбулоқ қизлар,
Муҳаббатга садоқатни гўзал туйғуда кўрсатгай.

Кўриб гоҳ пахтазору дастгоҳда бу чечанларни,
Ёзиб мадҳини Восит, ҳурмату обрўда кўрсатгай.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОЗ ЎҚИНГ

Эй, азиз фарзандларим, бахту нажот мактабдадир,
Соз ўқинг, парвоз учун сизга қанот мактабдадир.

Изламанг беҳуда ишлардан ҳаётга ёрлиқ
Яхши ахлоқу ҳунар, илму сабот мактабдадир.

Бурч эрур инсонга ўз дунёсини қилмоқ гўзал,
Истасанг гар, бундай орога бисот мактабдадир.

Ҳар ҳунарда ном чиқармоқ элга одатдир мудом,
Чек риёзат, қолдиришга яхши от мактабдадир.

Дер ҳаёт ҳам катта мактаб, олгил ундан ҳам сабоқ,
Лек жило топган гўзал, эзгу ҳаёт мактабдадир.

Онг билан дунёни англаб, иш билан пардоз берур,
Толиб эрсанг иккиси айнул — ҳаёт мактабдадир.

Кўрмадим бир меҳрибон мактабчалик умримда ҳеч,
Шўх оқар дарёча, Восит, илтифот мактабдадир.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎРСАТ

Бўлай эъзоз десанг, элга муҳаббат, ҳимматинг кўрсат,
Ижодкор меҳнатинг бирла қозонган ҳурматинг кўрсат.

Ватан аро кутар сендан умидворинг бўлиб ҳар дам,
Умидларга қанот бер ҳам амал бер, қудратинг кўрсат.

Қўлинг гул бўлмаса бўлмас йўлинг гул, турмушинг ҳам гул.
Ҳунар ўрган, ҳунар қилгай қўлинг гул, санъатинг кўрсат

Ишу аҳдинг билан элга танилмоқ истасанг ҳар чоғ,
Бўлиб пайванду пайваста замонга ғайратинг кўрсат.

Умр ким бебақо, ёдгор қилиб боқий нишон қолдир,
Йигитликдан асос қўй бунга, яхши ниятинг кўрсат.

Олиб ибрат элинг жаннат этиб кетган кишилардан,
Ўзинг ҳам бир ҳавас тортар, ажойиб ибратинг кўрсат.

Равон йўл, ҳеч осон иш йўқ, ҳаёт мушкулларин ҳар чоғ
Енгишга йўл топар ақлу жасорат, журъатинг кўрсат.

Мурод дунёга келмоқдин этиб обод яшаш, Восит,
Тугал инсонча элпарвар бўлиб, ўз хислатинг кўрсат.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИР КАШФ

Кўрдим кириб муҳаббат кошонасида бир кашф,
Ишқ аҳли санъатидан ҳар хонасида бир кашф.

Мавж урди дил симобдай сеҳрлик туйғулардан,
Босгач кўринди қутлуғ остонасида бир кашф.

Дилбарлигин билолмас ёримни ўзга, чунким
Ҳар бир йигит кўрар ўз жононасида бир кашф.

Ёр кетди бағрим ўртаб, қўлимда сози қолди,
Чертсам уни сезарман таронасида бир кашф.

Тушган замон кўзига кўзим мен кашф этарман,
Кўзларни ҳам чиройлик мастонасида бир кашф.

Келмас бериб сўз асло, кўрганда кўрсатар важ,
Ёр ваъдасида бир кашф, баҳонасида бир кашф.

Севмас эса, эгиб бош турмас ёнингда, Восит,
Ҳар бир карашма севги нишонасида бир кашф.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎЗИМ БИЛУРМАН

Тилинг учида турган сўзман, ўзим билурман,
Ўзгамас мен ўзингга ўзман, ўзим билурман.

Ёнингдаман, кўзларим ўйнар қараб бўйингга,
Севган хаёларингга кўзман, ўзим билурман.

Кўролдинг сен чиройим кўринмас ўзга кўзга,
Сенгагина энг гўзал қизман, ўзим билурман.

Кутиб тоқатларим тоқ, қачон оғзинг очарсан,
Мен ҳам очилмаган бир бўзман, ўзим билурман.

Етар қизлик чиройим, пардозга ҳожатим йўқ,
Ҳаё пардозлаган гул юзман, ўзим билурман.

Наҳотки, сезмадинг ёр хумор қарашларимдан,
Юрсанг ёнингда кетган изман, ўзим билурман.

Самандардек яшарман, Восит, ишқ оташида,
Ўзинг айтолмаётган сўзман, ўзим билурман.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДАВР ЗУҲРОЛАРИ

Қилиб парво кўнгилларни сарафроз айламайсизми?
Ғанимат бу гўзал ёшликни эъзоз айламайсизми?

Бериб барҳам паришонликка бу тезкор замон монанд,
Замондошдек ҳаётхонликда парвоз айламайсизми?

Бу маъюслик нечун, кўрдим иболикларда ҳам шодлик,
Қувонч, шўхлик билан ўзни ҳаётбоз айламайсизми?

Садоқатлик, вафоликлар элим ардоғида ҳар дам,
Муҳаббатни улуглаб элда мумтоз айламайсизми?

Ҳаёт жонон билан ширин, топиб сиз ҳам вафолик ёр,
Давр зуҳролари ичра саровоз айламайсизми?

Умр боқий эмас, бир оила, касбу ҳунар боқий,
Бу қутлуғ элда боқийликни оғоз айламайсизми?

Висол васфини, Восит, бирла сиз ҳам жўр бўлиб куйлаб,
Муҳаббат аҳлига ҳар дамни эъзоз айламайсизми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

# САЁҲАТ

Чиққан билур сафарга, бир дилрабо саёҳат,
Алвон шаҳар, чаманлар ким муддао саёҳат.

Эл ҳикматини уққан кенг йўл топар ҳаётга,
Дерким: ўлтирган бўйра, юрган дарё — саёҳат.

Ўқишдан ҳам кўришдан ортар фикру тасаввур,
Сайр эт борича имкон, зўр бебаҳо саёҳат.

Ҳар элда тарзу одат, иқлим, ҳаво ўзгача,
Юриш-туришларин кўр, ибратнамо саёҳат.

Эл кўрган ҳар кишининг суҳбати ҳайратомиз,
Ҳар бир сўзига маъно, берган жило саёҳат.

Олам сувдан иборат очиқ денгизга чиқсанг,
Айлар дунёни кўзга нилранг лиқо саёҳат.

Тоғларда юрганингда руҳинг ўпар фалакни,
Қўймас ғубор кўнгулда ҳўб дилкушо саёҳат.

Қамрар жаҳонни буткул, сайёҳ нигоҳи, чунким
Ботин кўзига бергай чандон зиё саёҳат.

Дорулфунундан ортиқ, Восит, жаҳонни кўрмоқ,
Берар зеҳнингга сайқал, оламнамо саёҳат.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЕВИБ САЙЛАГАНИМ БОР

Бўлма йигит овора севиб сайлаганим бор,
Туриб сўзимда ҳар дам, вафо айлаганим бор.

Бир чоғлар кеча-кундуз ишқида ёна-ёна,
Муҳаббатимни куйга солиб куйлаганим бор.

Элга овоза сўздан қайтиш қизларда йўқдир,
Дугоналарга мақтаб ўзим сўйлаганим бор.

Ўтганда бизни йўлдан бир кўй билан паришон,
Кўргунча то девордан қараб бўйлаганим бор.

Севишганларга бир кун йилдай бўлиб кўрингай,
Бундай чоғларда расмин қўлдан қўймаганим бор.

Васлини деб кўйида мастонавор жаранглаб,
Сўлим тонгларда қушдай ёниб сайраганим бор.

Юрганда бирга-бирга хиёбонларда кўркам,
Толеъимдан ўргилиб чунон яйраганим бор.

Шошма, йигит сенга ҳам чиқар элдан вафодор,
Узр, Восит кўнгилга меҳрин жойлаганим бор.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАҲОРИНГ КЕЛАЖАКДИР

Кўнглинг бугун шод эткали ёринг келажакдир,
Ғамларни унут, қиш кетди, баҳоринг келажакдир.

Кўз олма висол йўлларидан, тонг била бирга
Орзуда ёниб шўх кўзлари, зоринг келажакдир.

Эъзоз ҳама туйғуларинг қушлар каби туйғун,
Кўнглингга амал, сернашъа нигоринг келажакдир.

Чеҳрангни очиб, чиқ йўлига, кел яйра бу айём,
Мастона қараб, кўп ташна хуморинг келажакдир.

Тўй завқи келур кўнглингга босган ҳар қадамидан,
Бир сенга висол аҳдида ким боринг келажакдир.

Сен бирла қадам қўймоққа ҳаёт — қутлуғ эшикка
Сўз бергани жон бирла вафодоринг келажакдир.

Бой берма бу ёшликни, қани тўй бошла, тўйингга
Қутлаб сени, Восит, элу диёринг келажакдир.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГЎЗАЛ ДАВРОН

Етиб халқим ажойиб бир замонга,
Қувончидан ҳамон сиғмас жаҳонга.

Безанган басма-басга шаҳру қишлоқ,
Олиб ҳар ерни меъморлар нишонга.

Бинолар кўк ўпар ораста, рангин,
Шароитлар қулай оромижонга.

Тянь-Шандан очиқ денгизгача ҳам
Равон йўл еткизар ҳар бир томонга.

Ҳаво, уммонларимда беадад йўл,
Жадал бормоқчи бўлсанг сен қаёнга.

Туташ оламга йўллар бирла юртим,
Борар ҳар қандайин олис маконга.

Ватан бағри туганмас бир хазина,
Бўлиб соҳиб бугун минг турли конга.

Берар бу янги одат, янги орзу —
Билан янги ҳунар зеб ошёнга.

Кўнгилларда булоқ, Восит, ташаккур,
Гўзал даврон учун қутлуғ замонга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖОНАЖОН

Жаҳон бирла тирикман, жонажонман,
Жаҳон ичра ўзим ҳам бир жаҳонман.

Жаҳон дилбарлигида хизматим бор,
Гўзал ҳисларга бой, санъатга конман.

Ўсар кўнглим гўзал қилсам ҳар ишни,
Бўлай нозик адо токи омонман.

Бу жоним яхшиларга сатқадурким,
Элим севмас ёмонларга ёмонман.

Элим ораста айлаш менда орзу,
Бу бурчимга садоқатда ҳамонман.

Улуғ меҳру муҳаббат берди халқим,
Меҳрпарвар ажаб ширин эабонман.

Шукр, Восит, эл ардоқлаб, бўлибман,
Замондошимга тенг аҳли замонман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖОН ЧЕКМАСА

Жон чекмаса ким жононага етмас,
Ютмас эса сув, дурдонага етмас.

Лоф урма кўнгил жон сатқа қилишда,
Ишқ аҳли ҳали парвонага етмас.

Ҳар элда бўлур бир ўзгача қизлар,
Шўхликда ва лек Фарғонага етмас.

Ёр ишқида туғёнга тушиб ҳар ким,
Қурмай оила остонага етмас.

Суҳбатни агар гул қилмаса ошиқ,
Мантиқда етук фарзонага етмас.

Касб этмаса кўз мастона қарашким,
Ҳуммор кўзи шўх мастонага етмас.

Тутмас эса ким ишқ расмини, Восит,
Бир сўзли азиз мардонага етмас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЭЛГА ҚЎШИЛМАГУНЧА

Унмас иши кишининг ғайрати келмагунча,
Келмас мурод ўзидан, унга интилмагунча.

Ҳар ишни чоғламай қўл урма зиён ўзингга,
Айт, кимни номи чиқди ҳунарни билмагунча.

Ҳар бир ҳунарга қўйсанг муҳаббат толмагайсан,
Олимлик қилма даъво кашфиёт қилмагунча.

Муяссар бўлмагай у эл ҳурматига токи,
Ўздек севиб бировни назарга илмагунча.

Тушмас корхоналарда ҳурматнинг дафтарига,
Ким етгани рақамдан олдинга жилмагунча.

Васл истасанг ҳамиша мардона қўй қадамни,
Гулга етарми қўллар, тикони тилмагунча.

Қайдин буйликда билсин, йигит остона қадрин,
Қуриб оила, Восит, элга қўшилмагунча.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҒАЙРАТНИ БЕР!

Менга берсанг, эй Ватан, кел ибрату меҳнатни бер,
Ҳеч демасман ишламасдан давлату роҳатни бер!

Ишламай бой бўлса, бўлгай ботиний роҳатга зор,
Бемалол роҳат топай, орзу билан ғайратни бер!

Қанча мушкул бўлса ҳам иш қайтмайин айлай адо,
Бир қўлу қалбимгамас, кел кўзга ҳам журъатни бер.

Бесабрлар пишган ошдан ҳам ўзин маҳрум қилур,
Тош кесар бардош билан тоғдай буюк тоқатни бер!

Пулдан ўзга дўсти бўлмас ким бахил, бўлса хасис,
Эларо бағрим кўкарсин дўстлигу ҳимматни бер!

Аҳди йўқ, обрўси йўқлар кирмас одам сонига,
Менга инсонлик муқаддас аҳд ила ҳурматни бер!

Иш қилай, Восит, замон ардоғи боп аъло сифат
Бўлсин ибрат, эй, Ватан шундай диду қудратни бер!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШОДЛИҚ ПИЁЛАСИ

Айланди бугун даврада шодлик пиёласи,
Кўнглимда ҳаёт нашъаси — завқлар шалоласи.

Жам бўлди вафо аҳли, гўзал бошлагил алёр,
Руҳларни баланд этгуси суҳбат аллоласи[1].

Кўрк бермаса ҳар сония оламга муҳаббат,
Ўрларди унинг чўл каби кўкларга ноласи.

Оламни безаш инсон иши, ундаги қутлуғ
Ер меҳри, Ватан севгиси виждон ҳаволаси.

Базм ичра кўриб маҳбубани сўзлари матлуб,
Бўлдим яна ортиқ ўша маҳбубни воласи.

Меҳрингни булоқ қилгуси эл давраси, Восит,
Айланса агар даврада шодлик пиёласи.

---

1. Шавқи.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУҲАББАТЛИК

Муҳаббатсиз ҳаёт бўлмас жаҳонда,
Жаҳон эрмас, дегил ҳар ошёнда.

Меҳр қўймай давр монанд ҳунарга,
Ҳаловат истама, роҳат қаёнда.

Яшаб бўлмас хабарсиз илму фандан,
Темир ҳам тилга кирган бу замонда.

Етук инсон билиб аъло ҳунарни,
Ҳаёт аршига етди ҳур маконда.

Бўлур бунёд муҳаббатдан аҳиллик,
Аҳилликдан диёрим тинч, омонда.

Ҳазон билмас муҳаббат боғлари ҳеч,
Томир отгай ниҳоли ҳар томонда.

Демас, Восит, мукаммал ўтди умрим,
Қолар бўлса муҳаббатсиз жаҳонда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТОЖИКИСТОН, АССАЛОМ!

Ўзбекистондан сенга, эй Тожикистон, ассалом,
Ленинободу Кўлоб, Кўҳи Бадахшон, ассалом.

Ўртада дўстлик, биродарлик қадим ҳам навқирон,
Бу баҳор қудрат билан доим гулистон, ассалом.

Икки дарёдан ичиб сув, бирга ўсган халқимиз,
Бўлди соз, олий замонда икки уммон, ассалом.

Турли одат тўй, томоша шашмақомдек бир эрур,
Асли бизлар бир китобу битта достон, ассалом.

Юртимизда турли кашфу илму санъат авж олиб,
Бўлди эл обод, ҳаёт беҳад фаровон, ассалом!

Ер тилин билган миришкор ўзбегу тожик бугун,
Ҳосили таҳсинга лойиқ қутли деҳқон, ассалом.

Ўзаро аҳд айлаган дўст бизда, Восит, пахтакор,
Бир-бирига гоҳи меҳмон, гоҳи мезбон, ассалом.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВАФО ЗОЕ

Ўлдирма сўзинг асло номардга сазо зое,
Ҳеч йўлга солиб бўлмас, танбиҳу жазо зое.

Соз этма мақомларга созингни аё мутриб,
«Роҳатни» аниқ билмас, бедилга «наво» зое.

Дилсизда меҳр пайдо қилмоқдан умидинг уз,
Тош узра гиёҳ унмас ким меҳригиё зое.

Дўстликни билур қайдин, бегона бу ҳислатга,
Дийдорни ғанимат деб билмасга вафо зое.

Бебаҳрага санъатдан кўрсатма гўзалликни,
Кўнглида ҳавас йўққа не нозик адо зое.

Ўзига бино қўйган мағрурга ҳайф ҳурмат,
Камситма ўзинг, унга андиша, ҳаё зое.

Лоқайдга кўнгил очма, дардингни қилур чандон,
Ботин кўзи кўрларга ҳар қанча даво зое.

Эг Восит, эгилганга теккунча бошинг ерга,
Келтирма ҳаво қилса, ҳурматни бажо, зое.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚЎЙМА АЙБ

Эй пари, шайдо сенга, ҳайроналарга қўйма айб,
Кўнгли ҳажринг зарбидан вайроналарга қўйма айб.

Интизоринг лаҳза-лаҳза суҳбатингга зор ўшал,
Минг нигорон кўзлари гирёналарга қўйма айб.

Чўкса ҳам чўккан кўнгил юз қатла армон ёшига,
Жон чекар ўз аҳдида парвоналарга қўйма айб.

Қайғулик юрмак етар, чеҳрангда шодлик балқисин,
Ол ўзингга ҳам, ҳадеб жононаларга қўйма айб.

Келса айёми висол, бу икки дилга тантана,
Ҳажрингга суръат бериб, шодоналарга қўйма айб.

Ўз муродига етар ҳар қиз-йигит аҳди билан,
Етмасанг ношуд бўлиб бегоналарга қўйма айб.

Бўлмагай оламда кам, Восит, муҳаббатлик кўнгил,
Бой бериб қўйсанг уни, фарзоналарга[1] қўйма айб.

---

1. Ақллидоно.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИЛБАРМУ—ДИЛРАБОМУ

Билмам сулув нигорим дилбарму, дилрабому,
Бу икки жилва дардим олишга мубталому?

Қошлар керик, қарашлар тиғдай, яна кўнгилда
Янги жароҳат очмоқ ёримга муддаому?

Чўкар тун кўзга кўрсам қаро кўзини ҳар дам,
Жон қасдига бу кўзлар боққан қаро балому?

Кўрганда завқим ортиб, ҳайрону лол қолурман,
Юзини бунча дилбар этган гўзал ҳаёму?

Майл айламас менинг-ла келганда сайри боққа,
Сўнгсиз бу нозу ишва вафому ё жафому?

Йўқ-йўқ, деди ҳаёлик юзлар ёниб, дедим шўх:
Наврўзга таклиф этсам сизни бу ҳам хатому?

Бир сўзни хуш қилолмай нохуш бўлибди Восит,
Сизда кўнгил деган ёр шунча нозик адому?


www.ziyouz.com kutubxonasi

## УМРБОД ЭҲТИРОМДА

Меҳр товланмаса ҳар бир каломда,
Бўлурму ўзаро суҳбат қиёмда.

Қўғишмас бўлса суҳбат базмаро ҳеч,
Оғиз ҳам сезмагай лаззат таомда.

Ҳар иш тартиб-ла ораста, сабаб шу,
Чин инсонлик билингай интизомда.

Заковатга жаҳон асрори ошкор,
Вале, бу куч нишон бермас авомда.

Эрур санъат алоқа эларокнм,
Уни билган умрбод эҳтиромда.

Кўнгилларга равон кирмоққа йўл бор,
Берилган ҳар очиқ чеҳра саломда.

Кўнгилга таъсир этмас, кутма, Восит,
Меҳр жўш урмаса ҳар бир каломда.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПАЛОВ МАҚТОВИ

Хуш таомлар ичра султондир палов,
Бизда эъзоз, қадри чандондир палов.

Барча халқнинг бир таоми севгилик,
Ўзбегимга кўп қадрдондир палов.

Унда дастурхон солинмайди усиз,
Ҳар маросимда намоёндир палов.

Хом, қўғирма, кўмма ошдир хиллари,
Ҳар шаҳарда турфа алвондир палов.

Ошқозонга бошқасин бардоши йўқ,
Бир есанг бир кунга дармондир палов.

Кўздан ўтгай мен сафар қилсам агар,
Қайтгунимча менга армондир палов.

Девзира, буғдой гуруч, қўй гўштидан
Қилмасанг лаззатда нолондир палов.

Дамтовоқни ҳам кўтаргундай гуруч,
Тобига келганки, хандондир палов.

Қанча кўкчой ич босилмас чанқоғинг,
Ҳазми зўр, қудратда обдондир палов.

Қолса, Восит, гар умрдан бир куни,
Ким палов ер, роҳати жондир палов.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИНТИЗОРМАН

Кўзим йўлингда, доим интизорман,
Ўзинг бир кўрмайин кетмас хуморман.

Қозонмай бир нафаслик эътиборинг,
Эл ичра то ҳануз беэътиборман.

Йигит гар ёру уйсиз, элга кирмас,
Ҳамон остонаи қутлуққа зорман.

Менга ҳар ерда парвосизлигингдан,
Юрак-бағримни тирнаб, лолазорман.

Эсам пайдо кўчангда вола ҳар кун,
Кечир, мен ўзда йўқ, беихтиёрман.

Хаёлингга келурман айт қачонлар,
Не муддат бўлса-да, мен шунга борман.

Қачон менга насиб этгай висолинг,
Кутиб, Восит, шу кунга интизорман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДИЛДОРЛИК ИШИМ

Бўлди ҳажрингда менинг зорлик ишим,
Тун хаёлинг бирла бедорлик ишим.

Босса дилни ҳисларим туғёнлари,
Унга таскинликни изҳорлик ишим.

Интизорлик ўртаса ҳар кун кўзим,
Эртаю кеч бирга ҳамкорлик ишим.

Ойнада чеҳрам кўриб, ҳардамхаёл,
Бўлди охир маҳв дийдорлик ишим.

Оҳ, қачон бўлгай, висоли чоғида,
Яйрашу ҳам садқа дилдорлик ишим.

Тузса ёр бир анжуман, то тонггача,
Бўлса соз мадҳида алёрлик ишим.

Ҳа десанг бас, сенга мен пешвоз чиқиб,
Кўрсатай, Восит, шу дам ёрлик ишим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАМШИРА ҚИЗГА

Етдинг камолга, бу бир давру даврон Фарида,
Суриб ҳаёт гаштини яйра ҳар он Фарида.

Қизлик чиройи билсанг баҳордан ҳам зиёда,
Бу чоғ юракда қайнар жўш уриб қон, Фарида.

Нурдан хаёлинг учқур, зеҳну заковатинг тонг,
Кўзингда ёшлик ўйнар, завқи жаҳон, Фарида.

Оёғинг ерга тегмас, сезиб ўзинг ҳаводай
Қувончдан гоҳ қилурсан йўлда жавлон Фарида.

Сенда дилбар тилак кўп, ўнга бир-бир етарсан,
Кўнглингга зарра тушмас, доғу армон, Фарида.

Ҳамшира бўлмоқ орзу эди, унга етишдинг,
Игна санчарсан кулиб, оромижон, Фарида.

Муомила, сўзларинг иффатаро мулойим,
Диду табиатинг ҳам юксак чунон, Фарида.

Замон эъзозлаган қиз ҳуру қушлардан эркин,
Қилур эл хизматига аҳду паймон, Фарида.

Гулдай эмас, қиз бахтинг юлдузлардай очилсин,
Кўргил умр чинордай Фаридахон, Фарида.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙИГИТЛИК АЙЁМ

Завқларга тўлур йигитлик айём,
Яйраб анга жўр бўлса гуландом.

Эгнига баҳор киймаса ҳамки,
Пишгай юзида шавқ майи — гулфом.

Етмай асири бўлдим йироқдан,
Ким менга сочин хушбўйи ҳам дом.

Боғларда сайрим Лайлим-ла бирга,
Бермас менга эл «Мажнун» деган ном.

Севмак севилмак юксак шараф бу.
Бўлмас ошиқлар даврримда бадном.

Шеърдай жаранглар ошиқ сўзлари,
Висол онлари шалола илҳом.

Дўстлар тўй куни бўлиб жамулжам,
Қўтаргай, Восит, алёр айтиб жом.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТОНГ ОТГАНДА

Эл бўлди гўзал тенгсиз Фарғона тонг отганда,
Нурланди ҳамма тундай афсона тонг отганда.

Вайрона ғариб кулба ташланди улуғ айём,
Ҳар кўзга қувонч боис кошона тонг отганда.

Эл худди кутилган қуш андуҳли қафаслардан,
Шодликка бўлиб кетди парвона тонг отганда.

Ғамларга бадал ҳурлик уйларга қадам ташлаб,
Қут кирди бўлиб қутлуғ остона тонг отганда.

Эл топди камол ҳар кун сернашъа замондан шод,
Ҳар чеҳра очиқ кулди мастона тонг отганда.

Сақлашга муқаддас бу ҳурликни кечиб жондан,
Жанг қилди улуғ жангда мардона, тонг отганда.

Қудратли элинг, Восит, тан олди кўриб дунё,
Шон қучди, шараф қучди дўстона, тонг отганда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИМКОН БОРИДА

Сайр қил, оламни кўр, кел шунга имкон борида,
Вақт ўтиб, кучсиз қолурсан турфа дард озорида.

Эй кўнгил бир дамчамас умринг бу дунё олдида,
Ҳар нафасни қушдек ардоқла ҳаёт гулзорида.

Эл билан эллашмоқ истарсан, садоқат ёри бўл,
Жонига оро кириб, мушкулни енг даркорида.

Ўйламасдан қинғир иш қилма, қийилма сўнгидан,
Куйганингга арзимас, армонни оҳу зорида.

Кимки, ўтказмоқ тилар ширин ҳаёт бирла умр,
Қанча меҳру ишқи бўлса, бўлсин ўз дилдорида.

Оила қутлуқ уйинг ўчмас чироқ, номинг сира
Эсланурсан уйдамас, зурёдни касбу корида.

Яхши ниятларга интил, элга фарзандлик мурод,
Восито, меҳнатни де, тобу тобонинг борида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИЛОЖСИЗ ҚОЛДИ

Иложсиз қолди не мушкул сенинг тобу тобонингдан,
Севинди тоғу тошлар ҳам бўлиб бўстон овонингдан[1].

Қаю орзуга интилсанг ишончинг ким мададкоринг,
Шараф келди, чиқиб рўёбга орзу, ҳар томонингдан.

Не дилларда меҳр илдиз олиб, дидлар чаман бўлди,
Ғуборсиз руҳият отлиғ гўзал ички жаҳонингдан.

Кўриб ўрганди сендан ўз элига чин садоқатни,
Санар ўзни шу боис ҳар замондош жонажонингдан.

Кўнгиллар сел бўлур, сенда такаллум шунчалар нозик,
Тўлиқ маъно топар ўз ўрнида сўзлар забонингдан.

Ҳаёт қўҳна, замон янги, эрур одат замон монанд,
Давр руҳи кўрингай кўзга равшан хонадонингдан.

Қувон, Восит, кўриб ўтган замонлар ҳам ҳаётингни
Бугун қойил, ҳавас-ла ўргилиб минг бор замонингдан.

---

1. Ёшлигингдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИР КЎРИН

Йироқдан бўлса ҳам гоҳо кулиб ёрим бир кўрин,
Дилга ўт устига ўт ташлаб, нигорим бир кўрин.

Таскину ором топар яйраб сени кўрган замон,
Бу кўнгил отлиғ жафокаш жони зорим бир кўрин.

Сен сабаб дарёча бордир иштиёқ, ғайратларим,
Йўлларинг гулзор этай, кел, гулузорим бир кўрин.

Орзиқиб соғинмасанг ҳам сен соғинчим ҳурмати,
Болқитиб орзуларим яшнаб баҳорим бир кўрин.

Сабру тамкинингга қойил бўлди ҳар жонона қиз,
Тиш оқингни кўрсатиб дўстларга ёрим бир кўрин.

Сир тутиб севгингни бунча кўмма кўнглинг қаърига,
Айлагин изҳор, бўлиб чин ғамгузорим бир кўрин.

Гар йироқдан бўлса ҳам айлар кўзинг севгингни фош
Кўзларингда қолди Восит, ихтиёрим бир кўрин.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖОНОНИГА ЕТДИ

Бардош ила жоним қуши жононига етди,
Аҳдига амал айлади армонига етди.

Кўнглимда амал қудрати шундан бери тошқин,
Истак гули яшнади ўз бўстонига етди.

Ёр ҳажри — қуюн бўлмади ҳеч менга шукурким,
Руҳим яшариб яйради, нақшонига етди.

Бу мендаги омадни кўриб куйди рақиблар,
Қон қасди бориб, охири ўз жонига етди.

Лофмас сира шоир деса, қушларда вафо бор,
Қуш бўлди кўнгил сайради, хандонига етди.

Орзули ҳаёт нашъаси, Восит, қадамингда,
Ким даври саодат мана давронига етди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИЛБАРИМ БОРДИР

Кўриб минг ўргилиб севган менинг ҳам дилбарим бордир,
Кўнгил отлиқ анинг васфи тўлиқ бир дафтарим бордир.

Кўзим яшнар менга олам куно-кун дилрабо чунким,
Қувонч бошимда парвона, муҳаббат — сарварим бордир.

Ўқиб пинҳона бир-бир ўтказар кўздин мени шўхим,
Вале навбатда турган кўп жавобсиз хатларим бордир.

Шукр завқим зилоли чашмадек сероб этар кўнглим,
Ёруғ дунёда топган ўз ҳаётбахш кавсарим бордир.

Менинг умрим эгик ўтмас, тилаб бойлик билан шуҳрат,
Жавоҳир тошдин ортиқроқ тирик лаъл, гавҳарим бордир.

Ҳавас нокасни кўнглидан йироқ, бўлмас қиёматдай,
Мени кўнглим нурафшон тонг, ҳавасдан ҳулкарим бордир.

Ҳаёт ардоқлагай, Восит, ҳамон орзули дилларни,
Менинг бор йўлларим равшан, тилакдек раҳбарим бордир.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАР ЛАҲЗА, ҲАР ЛАҲЗА

Соғинч ортар сенга мен кўз тутиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза,
Яна муштоқлигим жондин ўтиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Хабарсиз бу жаҳондин шунчалар беҳуд, паришонман,
Хаёлингдан бу беҳушлик етиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Танимда ўрмалар ғашлик юриш, сўзлашга хоҳиш йўқ,
Фикрлашдан йироқ бошим қотиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Хаёлим тўзғиган қушлар каби йўқ бир қўнар жойи,
Урар ҳар ёна ўзни кўрсатиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Кутишдан йўқ ёмон нарса, эгар қаддимни ҳам дилбар,
Йўқотдим ўзлигим ҳатто кутиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Келиб сўрмайди ҳолим бир, нетай аксинча кўрганда,
Қочар мендин йироққа ноз этиб, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Бу ишва, бу карашма, нозни, Восит, ҳаддини сўрма,
Муҳаббат ҳадди йўқ олам латиф, ҳар лаҳза, ҳар лаҳза,


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИЛҲОМИМ БИЛАН

Бу замон айланди-ку, даврон менинг комим билан,
Қутласин дўстлар келиб, қутлуғ бу айёмим билан.

Боғни акси кўчди кўнглимга баҳордекман бугун,
Бўлди дарё сайр этиб, завқим гуландомим билан.

Бир нафаслик суҳбатига зор эдим, нолон эдим,
Хайрият, бир анжуман туздим дилоромим билан.

Яйрадим, соғинчларим тутдай тўкиб мен пойига,
Айтдим алёр басма-бас ўз бодаошомим билан.

*Яхши ният қилдиму етдим муродим қошиға,*
Тушларим ҳам тўғри келди очганим ромим билан.

Ёрим ўтрусида кўкка етгудек руҳим баланд,
Хайрлашдим энг кўнгиллик ўтган оқшомим билан.

Қушдай эркин бу замонда Севги, Восит, васл учун,
*Қийдирай Севгимга тож шеърият-илҳомим билан.*


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲУКМИНГГА ОЛ

Ожиз эрса ким ҳаётин яхшилаш тадбиридан,
Нолисин ўздин, ўринсиз нолимай тақдиридан.

Қатта отмаслар қулочин бу ҳаёт дарёсида,
Қутқаролмас ўзни сокинликда ғам занжиридан.

Кимни кетса гар иши бежиз эмасдир орқага,
Бу унинг эпсизлигу лоқайдлиги таъсиридан.

Бедил айтгандек сенга келмас бало кўкдан сира,
Келгай у ошкора мағрур дўстларинг таҳқиридан.

Гар тиларсан турмушингга офият бирла мурод,
Сайқал эт умрингга сен кўрганларинг тафсиридан.

Тушса бошга бир муаммо ҳолатингни яхши тут,
Изла йўл ечмоққа собирларни сен таъбиридан.

Бўлма қул, тақдирга, кел, Восит, уни ҳукмингга ол,
Изламай тақдирни шарҳин Яссавий тасвиридан.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИР МУҲАББАТ

Бир муҳаббат тушди кўнглимга яшар бу тоабад,
Дил сўзим чилпарча айлаб, қилди ёр севгимни рад.

Дилбарим, овора бўлманг, эрта вақт билмай туриб,
Сизга сўз бермам деди, рад сўзга йўқдир менда ҳад.

Ассаломдан ўзга сўз йўқ қанча ойлар ўтса ҳам,
Ортди ҳар кун ҳайратим оғзини пойлаб беадад.

Гоҳи ҳайрон иккимиз сурат бўлиб турганда лол,
Шунга ҳам тишлаб лабин қилгай ҳасадгўйлар ҳасад.

Қизлар ичра қанча кўрдим очилиб сўзлар ширин,
Мен билан бўлганда тунд, серзавқ табассумлар касад.

Мен танишмасдан бурун чақ-чақ табиатлик эди,
Қанча мен феълимни кенг қилсам, у бўлди феъли бад.

Чеҳра очди диплом олган кун мени қутлаб, қаранг
Бердими дилбарга, Восит, ушбу парвозим мадад.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЕЗАРСАН БОҒ

Кезарсан боғ паришонликда кўрмасдан ниҳолингни,
Чўзар бўй кунга чўзгандек кўраи деб у жамолингни.

Ўзинг бирла ўзинг, олам иши бегонадек сенга.
Қаю бир порлаган юлдуз асир этмиш хаёлингни.

Баҳорнинг ҳислати бордир амал, одобу нутқингда,
Сенга ёлғиз муносибдир камол, кўрмай заволингни.

Ҳусн бермиш сенга олам, қнёмат солгудек элга,
Қибирланмай меҳр кўрсат, тилар ҳар дил камолингни.

Мену мен осмон йиғлар, агар чеҳрангда ғам кўрса,
Қировдир гул юзингга тўкмагил кўздан зилолингни.

Олур андоза шодликлар сенинг кайфиятингдан ким,
Ҳаёт авжида кўргайман мудом жоним мисолингни.

Сабр ҳам бир сифат инсон учун, Восит, сабрлик бўл,
Сенга шояд насиб этса, ширин сўз, хуш мақолингни.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОРЗУСИ ҚУТЛУҒ

Бугун кўнглимга тўшди бир ёруғлик пурзиёлардан,
Нишондир бу — бўлиб муштоқ кутилган муддаолардан.

Сурай ҳар заррасин кўзга, бу нур олам, ҳаётимдир,
Келур элга нурафшонлик азиз меҳру вафолардан.

Ую элга туширгай доғ, алам, ким бўлса тош дийда,
Бўлай нари меҳрсиз бу муҳаббатдан жудолардан.

Муҳаббат, меҳнатим боис элим меҳрига тушганман,
Эмасман вазни йўқ, енгил, умидсиз бенаволардан.

Азиз дўстларни ардоқлаб, қозондим элда ҳурмат мен,
Шукр, айрилмадим бевақт вафолик ошнолардан.

Этак силки фазилатсиз ёмоннинг суҳбатидан ким,
Азалдан яхшилик чиқмас риёкор беҳаёлардан.

Насиҳатга қулоқ тут, бўлма кўп, Восит, насиҳатдон,
Вале қолма, ўшал орзуси қутлуғ кибриёлардан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАФОСИН АЙТАЙ

Ёрни қаю нози, жафосин айтай,
Осмон ўпар қайси ҳавосин айтай.

Дилга қўяр доғу алам ҳамиша.
Қай бир сўзи тикан-балосин айтай.

Аҳдида ҳеч турмас, қилиб баҳона,
Қай ваъдасин ёлғон адосин айтай.

Дилга солур ғулув келмай йироқдин,
Қаю заҳар ханда бажосин айтай.

Келса қарар илмай назарга дилбар,
Кўзин қай бир жилва-жилосин айтай.

Келса кетар дилга санчиб нигоҳин,
Қайси бу хил қилган шифосин айтай.

Восит, адо бўлдим айтиб жафосин,
Бундан буён яйраб вафосин айтай.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАФО БЎЛИБДИР

Ошкорки жафо, вафо бўлибдир,
Пинҳонки вафо, жафо бўлибдир.

Бир сўзни жоно, мен безабондан
Кутмоқ била ким, адо бўлибдир.

Дардимни айтмай кўнглимда сақлаб,
Юрмоқ менга бир бало бўлибдир.

Ишқ дарди-қийноқ ёримда аста
Тилга кирибким иншо бўлибдир.

Ёр сайридан боғ хушбўй, ҳаволик,
Кўнглимга кирсам даво бўлибдир.

Ёр суҳбатига етган ўшал кун,
Жону кўнгил ҳам расо бўлибдир.

Кўнглим ризосин берган муҳаббат,
Умримга, Восит, жило бўлибдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ДЎППИЛИК

Чиқмадинг кўпдан бери боғларга дилдор дўппилик,
Гоҳ сени кўргим келур чиқ илтижо ёр дўппилик.

Истасанг зардўзи кий, тагдўзи ё Фарғонача,
Менга бас этсанг агар бир сайри гулзор дўппилик.

Майда ўрган сочларинг устига қўйгандек чаман.
Ўйнатиб ҳар кўзни, юр йўлларда гулдор дўппилик.

Ўз сочинг хушбўй, майин, ҳидсиз ўрилмас сочни қўй,
Юрсанг ол яшнаб, очар ҳуснингни бисёр дўппилик.

Хоҳ шаҳар, хоҳ пахтазор қишлоқда юрсанг майлига,
Ёшлигинг монанди бу дилбар чаманзор дўппилик.

Қилма турмак сочни ҳеч киптингга ташлаб, ўргилай,
Юр, бўлур минг шуъладор бу нозли рухсор, дўппилик.

Менда, Восит, қолмас армон, сенда ҳам ёр бегумон,
Бирга юрсак иккимиз ҳам ёнма-ён ёр дўппилик.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАЙҒУЛИК ҚЎРМАЙ

Кўрмайин бир лаҳза ҳам чеҳрангни ёрим қайғулик
Бошга ургай қон, сени кўрсам нигорим қайғулик.

Ўйнасин кўз, юзларингда жонгинам балқиб севинч,
Ёшлигинг ўтказма куз қилма баҳорим қайғулик.

Қайғулик дилларни орзу айламас маскан сира,
Қилма орзулик кўнгил — бу лолазорим қайғулик.

Мен олай қайғуларинг лойиқ сенга шодлик фақат,
Ўртагай кўнглимни кўрмоқ гулузорим қайғулик.

Севгига содиқ эса ёринг, нега бу ғусса, ғам,
Рашк этиб кўрсатма ўзни беғуборим қайғулик.

Чекма ғам девдим, дединг ғамсиз ўсган бу кўнгил,
Дарди йўқ бир жон сабаб, ким жони зорим қайғулик.

Ўйласам, Восит, жаҳон ким шодлигу ғамсиз эмас,
Гоҳи шод, гоҳи кўрарман дўсти ёрим қайғулик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(мусалласот)

## ОЛАМ ГУЛИСТОН

Бардош ила жононима етдим,
Қўнглимдаги армонима етдим,
Олам кўзима бўлди гулистон.

Ёр ёрини ёндиргани яхши,
Нозлар била қондиргани яхши,
Ҳар ишваси бир ўзга дилистон.

Қўнглимга бериб хаёли роҳат,
Ҳажрига чидаш айладим одат,
Васлини таманносида ҳар он.

Орзу, ҳавасим парвариш айлаб,
Руҳимда тамом ўзгариш айлаб,
Ишқим мени эъзозлади чандон.

Ёримни мана фироғи қолди,
Ҳар кунда қилур синоғи қолди,
Кўр, энди менга ёру қадрдон.

Ким севгида омад менга боқди,
Қаршимда гўзал сув бўлиб оқди,
Восит, бу кўнгил бир чаманистон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# СОЗ

Сайру саёҳатда кўриб, тоғ бағрида бир қишлоқ,
Шул ерда нафас ростладим андак, тўрт тарафим боғ,
Чеҳрам ёришиб, кулди кўзим боққан сари ҳар-ён.

Чарчоқ қани, бир зумда тетик сездим ўзимни,
Шу лаҳзада мен ишга солиб, суратчи кўзимни,
Ҳар манзарани, кўнглима нақш айладим осон.

Пойимда неча шаршара оқмоқда бўлиб дарё,
Куйлаб боради шиддат била манзилгача гўё,
Ўркач ўша ҳар тўлқини куз пайтида бир хирмон.

Тоғ устида алвон мевали боғ — пистаю, ёнғоқ,
Кўрдим наъматак гуллари кўз олгудай оппоқ,
Ён бағрида ол лола чаманким арғувон осмон.

Тоғлик бу элим дилбарлари ўз ерларидек соз,
Қутлуғ келину қизлари ҳам билмас нима пардоз,
Юлдузлари иссиқ жуда, кўз чеҳраси ким хандон.

Бўлди бу саёҳатда кўнгил санъатлара маъво,
Восит, айтиб минг жилвали соз бу юртга тасанно,
Саъдийси бўлиб қолсам деди, шу биргина армон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МЕНГ ШОДЛИКНИ ҚОЛДИРДИ

Замонам мадҳини яйраб, қўйиб меҳрим нечун ёзмай,
Қўнгиллик ҳар ишим, омад десам, келгай у пайдарпай,
Даврлар дард чекиб, менга фақат шодликни қолдирди.

Замондошим замонлар зайлидан ўргилса арзийди,
Бу дилбар, тенг ҳаётига шукрлар қилса арзийди,
Замондан ким, ҳамон кўп ўзга эллар дилни олдирди.

Элимдан ўзга бир элда-ки, бундай ҳур саодат йўқ,
Бугунмас, эртасидан ҳам хотиржам бир фароғат йўқ,
Жаҳонни бу Советлар даврикимҳайратда қолдирди.

Ҳамон сармоядор билмас жаҳон кўнглини, уйқуда,
Намойишкор элин туғёнидан уйғонса, қўрқувда,
Қуруқ сўз, ваҳмалик гаплар жағин ортиқча толдирди.

Советлар юртини кўрган сари малъун кўзи ўйнаб,
Ўшал бир эски тос, бир эски найранг, дардлари қўзғаб,
Отар иғволи тошларкимҳасад бағрини ёндирди.

Улуғ йўлларда ким ит ҳурса ҳам карвон ўтар доим,
Аниқ мақсадда йўл босган муродига етар доим,
Бугун орзусига халқим етиб, юртин қувонтирди.

Ўзимни оқлайин, Восит, Ватан бурчин адо айлаб,
Керак бўлса улуғ орзу учун жоним фидо айлаб,
Даврлар ғам чекиб, чункимменга шодликни қолдирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДАРДИНГНИ ОЛАЙ

Дардингни олай, сўзга вафо қила қолгин.
Ташлаб назаринг зорли дилим била қолгин,
Ёш жонима бермай сира дарду жароҳат.

Дил севгининг ардоғида ким баҳористон,
Жон роҳати, орзулари сен била чандон,
Дийдор кўришув чоғлари кони фароғат.

Қилмай мени ёр кўчада ҳар кун овора,
Келсанг, юрагим ўйнаши тўхтаса зора,
Кутган ўша бир сўз менга катта иноят.

Айт, менга ишончинг ҳали унча эмасми,
Ким севгини оташлари сенга ҳавасми,
Гар менда ҳам бўлса қани сендаги тоқат.

Зар бирла сени ҳеч киши ром эта олмас,
Зўр бирла етиб, васлингга ком эта олмас,
Бор сенда сўзу зарга қаҳр, нафрату ғорат.

Қанча соғинтирсанг ошар шунча севинчим,
Кўзга гўзал этгуси оламни соғинчим,
Воситга бериб ҳар келишинг завқу ҳаловат.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОШИҚЛАР ИЛТИЖОДА

Бўлмас бир илтижодан ўзга сўз мубталода,
Ҳар бир нигоҳи айлар ўшал сўзни ифода.
Етгай ҳамиша шунга ошиқдаги ирода.

Тинчимас кўрмаган чоғ, кўрганда лолу ҳайрон,
Кўзлар қамашганидан қилиб бечора армон,
Ёр қошида хаёлдай турар жим илтижода.

Қизлик ғурури бирла қиз тушмагур ҳаволик,
Сезмай ўзи қилурким, ҳар қилиғи жафолик,
Чеҳраси яшнар аммо ярашган соз ибода.

Кошкийди қилса гоҳи нозик имо, ишора,
Ортса дилимда туғён бўлиб меҳри шарора,
Ёнишга тайёр ошиқ қилган аҳду вафода.

Умид қилур ҳамиша ёрнинг саховатидан,
Тоғдай бўлур кўнгил деб бир кун иноятидан,
Бўлгай жонона токай, бу хил жабру жафода.

Восит, собирлигингда тур, васлига етарсан,
Вафо нашидасидан кўнглинг тўлиб ўтарсан,
Ошиқни бахти билгил, дилдора дилрабода.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# СИРЛИ ДУНЁ

Кўрингай ҳолатим ҳар барҳаволарга тамошадек,
Севиш шовқини билмасларга ким бу туйғу анқодек.
Мени зеҳнимни очгай ҳар нафас ишқ сирли дунёдек.

Муҳаббат дил била тилни ҳамиша жўровоз айлар,
Қиши руҳиятин юксалтириб антиқа соз айлар,
Бу куй таъсири ром айлаб, қўяр ҳар дилни шайдодек.

Шу куйга тушганим кундан бери кўнглимда ором йўқ,
Ошиб соғинчларим кўрмак тиларман, лек у гулфом йўқ.
Бу ҳис тугёнида ўзни сезарман мисли дарёдек.

Бу тўлқинларга урмоғимда ўзни ихтиёрим бор,
Бўлай ёр қошида дерман ҳамиша эътиборим бор,
Вале васлининг орзуси ҳамон менга муаммодек.

Кўзимда интизорликдан муборак бир нишон қолди,
Кўчиб ер сурати кўзга, ки, таскин армуғон қолди,
Хаёлимда ва лек маҳбуб, менга ҳар дам Ҳувайдодек.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОЗЛАРИНГ

Эй муғанний бунча хуш, бир дилрабо оҳангларинг,
Бир-бирига жўр эрурким пардалар, соз созларинг,
Куйласанг ҳар нозик ун, бергай ҳаётхон бир садо.

Тилга киргай алла куйлардан гўдак ташлаб қадам,
Куйга бепарво эмас, қушлар-да ҳайвон зоти ҳам,
Руҳият, кўнгилни тасвири эрур ҳар бир ҳаво.

Мусиқони хасталарга ким шифо сино демиш,
Тинглаб очлар ҳам ёмон кун ўзни тўқ сезган эмиш,
Жаиговор куй жангда кўпни айлагай Рустамнамо.

Дил қулоғи бирла куй тинглар эсанг ким сув бўлиб,
Тоғда юргандай сезарсан руҳ баланд, оҳу бўлиб,
Минг кеча чалсанг туганмас куй ҳамон бенитиҳо.

Восито, дунё жаранг, қушларда куй, одамда куй,
Ўрмону уммонда куй, осмонда куй, оламда куй,
Куйсиз ўтган ҳар умр бемуддао, тунд, бесафо.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# БУ ВАТАН

Бу Ватан — севган севилганларни дилбар боғидир
Ҳур муҳаббатлик кўнгилларнинг суянган тоғидир,
Яхши орзуларга маскан, давру даврон чоғидир.

Не муродинг бўлса гар етмоққа интил то тирик,
Қолмасин армонларинг кел, чорасин қил, то тирик,
Ҳар тилак, ҳар эзгулик ниятга имкон чоғидир.

Қай кўнгилким яйрамас бу кунда у бадбиннамо,
Бир ёруғ орзуси йўқ, лоқайд, қуруқ қилғай ҳаво,
Бундайин худбин, умидсизларга армон чоғидир.

Меҳнату ғайратга ўзни чоғла роҳат истасанг,
Кўр тириклик корини жонинг саломат истасанг,
Ким ҳаётхонликка шайдо бўлса, дархон чоғидир.

Не десанг олдингда, Восит, янги орзулар чаман,
Берди элга катта имкон шод яшашга бу Ватан,
Уй гўзал, йўллар гўзал, турмуш фаровон чоғидир.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУСТАҲЗОДЛАР

## ЁР ҚЎЙИДА

Кўнглим мен ёр кўйида девонага ўхшар,
Парвонасидурман.
Умрим эса, ўхшаши йўқ афсонага ўхшар,
Ҳайронасидурман.
Тунда хаёл учди, тунда кўзим бир нуқтада қотди,
Қоқмай сира киприк.
Тонг отди, хаёл юлдузи юлдуз каби ботди,
Йўқ кўздаги кенглик.
Ғамлик қарашим, фикри ўйим чулғата бошлар,
Ғашлик мени тирнаб.
Ағёрни заҳар хандаси бағримни тарашлар,
Ёр меҳрини овлаб.
Дилдор мени, ағёрни-да кўп қилди аламлик,
Бор, чораси андуҳ.
Бўлгайми менга бир куни жон бирла карамлик,
Яйраб ўша гулруҳ.
Фурсат ўтадир, лоқайд менга шошгани шошган,
Йўқ тутқичи тутсам.
Орзуга амал топгуси вақт завқида тошган
Фурсатда у маҳкам.
Фурсатни висол чоғида тутдик, мана омад,
Ким бизни етаклар.
Соз бўлса агар оила вақт шодлиги беҳад,
Кулгуси тилаклар.
Ким келди хаёл ўрнига, кўз қуввати ошди,
Учди севинчдан кўз.
Восит, дили яйраб яна туйғулари тошди,
Келган куни наврўз.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИЛ ЯЙРАШИ

Олам яшарар кўзга, дилором келишидан,
Дил яйраши чандон.
Тан, қонга югургиси жимирлаш кулишидан,
Ром айлаши чандон.
Санъатга нигоҳ айла кўнгил доим олисдан,
Сўз, рангни кучин кўр.
Атрофга ёғар жозиба дилбар туришидан,
Кўрганки чекар жон.
Ним кулгига мойил лаби, кўзлар эса қийғоч,
Йўл топди кўнгилга,
Жон ларзага келди, қиёмат юришидан
Гул бўлди паришон.
Сержилва қисиб кўзини мен кутмаганимда,
Чақнатди-ку чақмоқ.
Ишлатди ҳамма санъатни кучин билишидан,
Мен мўлжали ҳар он.
Дерман гўзалим, урса-да, гул тегди юзимга,
Лек унгача етмас.
Ким меҳри менга уйғонди назар солишидан,
Шу бўлгани жонон.
Чеҳрамда ҳаёт шуъласи ўйнар, бу саодат,
Ардоғида борман.
Восит, бир умр дилдорни вафо қилишидан,
Мен соҳиби даврон.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУРАББАЛАР

## ЁР ЭДИ

Ёр эди, бир дилрабо дилдор эди,
Қилгудек кўрган ҳавас рухсор эди,
Кўзни ёндирганлар ичра бор эди,
Бир ўзимга термилиб хуштор эди.

Ёшлигим ўз ҳаддига етган маҳал,
Қўнглима ташлаб ҳаёт шавқу амал,
Борлиғим қилганда туйғулар қамал,
Ўзни озод айламак душвор эди.

Мен ҳам оламга келиб ёр танладим,
Хайрият, севгимда ҳеч алданмадим,
Бир нафас ҳам ҳажрида ўртанмадим.
Ёр вафолик кўзлари хуммор эди.

Мадҳи ҳуснимдан ҳамон ёр сўз демас,
Сўзда парвоз чин баланд парвоз эмас,
Элга кирмас, элни қайғусин емас,
Ёр менга ҳар ишда чин ҳамкор эди.

Ўтди гул фаслим вафо парвозида,
Энди умрим ёзи ҳам эъзозида,
Турмушим, Восит элим оғозида,
Ким бу жоним элга миннатдор эди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖОНОН БЎЛИБ...

Олди кўнглим битта қиз жонон бўлиб,
Турфа-турфа нозлари чандон бўлиб,
Тилда ҳар он аҳд ила паймон бўлиб,
Чиқди охир сўзлари ёлғон бўлиб.

Қайда кўрсам сўзлади қош ўйнатиб,
Сўз билан отгандайин тош ўйнатиб,
Не десам, у йўқ деди бош ўйнатиб,
Қолдим ўтрусида мен ҳайрон бўлиб.

Кўрганимдан то ҳануз йўқ роҳатим,
Узди тинмасдан эшиб, зўр тоқатим,
Найлай, ундан ҳам ажаброқ ҳолатим,
Элга ҳайрат солди кўп ларзон бўлиб.

Эътиборсиз энди шаҳло кўзлигим,
Бўзламоқдин қайда қолди бўзлигим,
Ким йўқотдим волаликда ўзлигим,
Севги, Восит, қолди бир армон бўлиб.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎЗИМ ТЎЙМАС

Қаён борса азизу эътиборлик
Ватан эркини эъзоз айлаганлар.
Замондош бўлганимдан фахр этарман,
Шулар элни сарафроз айлаганлар.

Ҳавас ортиб йигитлик чоғларимга,
Кўзим тўймас қараб ўртоқларимга.
Сўлим, дилбар шаҳар, қишлоқларимга,
Бериб оро шулар соз айлаганлар.

Шулар дўстларга жондош, жонажондир,
Ғуборсиз кўнгли кенгликда жаҳондир,
Мудом орзуси соз-доруломондир
Ки, пок ниятни мумтоз айлаганлар.

Табиатлик ҳар инсондир жаҳонсоз,
Таманноси эрур элларга пардоз,
Шулар севган ҳунарда аҳдин оғоз —
Этиб, юксакка парвоз айлаганлар.

Фахр, Восит, замондошингга ҳамдам,
Муносибдир Ватан меҳрига ҳар дам,
Адо айлаб не фармон бўлса бардам,
Шулар бизни сарафроз айлаганлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИЛҒИЛ ВАФОЛИКНИ ДЎСТ

Қил ўзингга аҳду вафоликни дўст,
Гарчи гўзал, этма жафоликни дўст.
Айла ширин, шарму ҳаёликни дўст,
Сўзи билан дардга даволикни дўст.

Юзни шивит айламагай тўғри сўз,
Бўлма сира эл ичида икки юз,
Яхши фазилатга тутсанг майли кўз,
Қилма ёмон, юзи қароликни дўст.

Чаман қилиб, бўлса кўнгил даштини,
Сурай десанг ёшликни сен гаштини,
Қайтарма ёрингни тилак, шаштини,
Ўйламайин қилма хатоликни дўст.

Рашки дилин ғунча очган чоғидир,
Кўнгли — чаман-чаман орзу боғидир,
Лутфу иноятинг қувонч тоғидир,
Қил камолу фикри расоликни дўст.

Восит, булбул васфига гул муносиб,
Ҳар гулга ҳам хушхон булбул муносиб,
Севгига шўх, дилбар кўнгил муносиб,
Айла севиб нозик иболикни дўст.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## САБОҚ

Қам бўлурму ҳасратинг айтган билан,
Ҳосил ўлмас ниятинг айтган билан,
Бермагай иш журъатинг айтган билан,
Ким билур айт, қудратинг айтган билан.

Тил эмас, ҳар ишни билсанг қўл қилур,
Иш десанг тиллик «чечанлар» йўл қилур,
Ким, буларга қолса боғни чўл қилур,
Бир қуруқ сўз ҳимматинг айтган билан.

Сен ҳушим келди табиатлик ҳамон,
Қийнамассан то ҳануз бир ишда жон,
Қоматинг фил, лек мудом чумчуқча қон —
Қўзғамас бир ғайратинг айтган билан.

Дўстларинг топган ҳаётдан жойини,
Қайтарарсан кўзга илмай ройини,
Ким кесарсан ишламай дўст пойини,
Битмагай ҳеч иллатинг айтган билан.

Босмагай сен бошлаган иш олдига,
Йўқ идора тушмаган сен қайдига,
Оқибат, тушдинг штат қисқардига,
Келмагай ориятинг айтган билан.

Оч кўзинг, тушмоқдадир сочингга оқ,
Яккаликдан воз кечиб бир элга боқ,
Сенга ўтган бесамар йиллар сабоқ —
Бўлса, битмас роҳатинг айтган билан.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЯХШИ ТИЛАК

Сочи қўнғир, бир жингалак қизларим,
Бир-биридан ширин данак қизларим,
Дуркун ўсган тоза палак қизларим,
Ҳар қилиғи бўлак-бўлак қизларим.
Бўлди менга кучли тилак, қизларим.

Соғинаман агар бир кун кўрмасам,
Жўр тилингиз завқини бир сурмасам,
Сизлар билан эртак айтиб юрмасам,
Меҳрингизга меҳр қўшиб турмасам,
Ҳордиқларим чиқмас, ипак қизларим.

Қирдиларинг йўлга ўтиб бир ёшдан,
Тил ҳам чиқди аввали аллалашдан,
Бошладингиз ишни қурчоқ талашдан,
Ўртангизда қозиликка ярашдан,
Бўлур бошим осмон фалак, қизларим.

Ёлғиз эдим, сизлар билан кўнайдим,
Тенглар ичра кўнглим ўсиб яшайдим,
Кечагина ўзим сиздай болайдим,
Мана бугун ҳовуримдан пасайдим,
Қитиқларим юлган тийрак қизларим.

Сизлар билан бўлдим қутлуғ остона,
Шодлигимсиз, менга қайғу бегона,
Уйим қилиб саришта сиз жонона,
Кўрган ҳавас қилар, бўлиб ҳайрона,
Ҳар биримгиз турфа тилак қизларим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Орзу қучиб, пешонангиз силайман,
Ўзингиздан кўпроқ иқбол тилайман,
Не истак бор етказишга ярайман,
Ҳалитдан мен сизни хушбахт санайман,
Бўлинг элга, Восит, ўрнак қизларим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУРГУТ

*(Устоз Ҳамзага бағишлайман)*

Тоғлардан тоғларга уча олувчи,
Иқлимдан иқлимга кўча олувчи,
Қушларга раҳнамо, улуғвор Бургут,
Поёнсиз кўкка ҳам ифтихор Бургут.
Тоғларга ярашиқ ҳайбатли қудрат,
Тантилик, мардликда қаттиқ диёнат.
Эгилиб яшашдан ўлимни аъло,
Ерда ўрмалашдан ўлимни аъло —
Қўрувчи жонзод бу — парвози баланд,
Бўронларга қарши учар беписанд.
Уммонлардан ўтар қўнмасдан бир дам,
Қилмоққа қитъалар сайрини бардам.
Хуш кўрар ўзига юксакни чандон,
Булутларни ўпган чўққида султон.
Беғубор осмонки кўрганда кўзи —
Чўғ бўлиб, ҳаётхон бўларди ўзи.
Яшил водийларни севарди яшнаб,
Парвозга қушларни кетарди бошлаб.
Хавф келса уларга содиқ ҳимоя,
Омонсиз бир зарби ўзи кифоя.
Юксак учишларни қилмасди канда,
Қаноти соясин кўриб чаманда.
Санъатлар кўрсатиб, яйраб учарди,
Ҳар учганда юксак кўкни қучарди.
Сайру саёҳатсиз яша олмасди,
Оламни кўришдан кўнгли қолмасди.
Осмон тинч, олам тинч бўлишлигини,
Тинчликда жонзодлар тўлишлигини,
Билгандай чўққида турарди ҳушёр,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар томон безовта қарарди минг бор.
Севган одатича юксакка бир кун,
Қанот қоқди, тоғлар силкинди бутун,
Тобора юқори, юқори учди,
Ҳар қанот қоққанда орзуни қучди.
Бирдан унга қарши турди бўронлар,
Оламга ғулғула солди уммонлар.
Дарёлар кўпириб тошди қирғоққа,
Айланди гулдурос шу дам чақмоққа.
Шунда ҳам учишда давом этди у,
Сезмасдан юраги бир лаҳза кўрқув,
Шу асно осмонни тундан ҳам қаро
Булут босиб, қолди зулматлараро,
Кундузни севувчи, нурни севувчи,
Ғуборсиз осмонни ардоқлагувчи,
Бургут кўзларида чақнади ғазаб,
Жумбушга келди-ю, ўйнади асаб.
Тоқати тоқ бўлиб, зулматга ҳужум
Қилмоққа шайланди тутоқиб ҳар зум.
Қаро булутларга урди ўзини,
Нурга тўлдирай деб, нурсиз кўзини.
Зулмат билан роса олишди Бургут,
Қудрати етганча солишди Бургут.
«Фидойилик менинг анъанам» деди
«Ётиб ўлмас бургут хотиржам» деди.
Қаро булутларни чил-парчин қилиб,
Кўзи нурланганда мадорсиз бўлиб.
Беҳаёт юксакдан, ҳайҳот қулади.
Бургут умри асли шундай бўлади.
Эзди буюк бағрин тоғларнинг тоши,
Ёрилди беомон қояда боши...
Ўзи бургутга хос фидо айлаб жон,
Қилиб кетди еру кўкни нурафшон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЯШНА, БОР БЎЛ, ЭЙ ВАТАН

*(Таржибанд)*

Яшна, бор бўлким жаҳон орзуси бўлдинг, эй Ватан.
Яшнаган бир ер эмас, бағрингда диллар ҳам чаман.
Келтирай деб ҳар қадам шону шараф шаънингга хос,
Хизматингга шай эрур аҳли талаб ҳар жону тан.
Боғу роғлик ҳар шаҳар, қишлоқларинг гул бемисол,
Беадад йўлларни ҳам тутган бутун атри суман.
Қайси ўлка, қитъаларга борса шод фарзандларинг,
Дўст кўнгиллар қуршагай, суҳбатда истаб сарсухан.
Топди орзу, комронлик эл садоқат шевадан,
Ким қаро ниятли кетди сўнгги йўлга бекафан.
Сарҳадингга бош қўярман шундайин кун келса гар,
Чунки ардоғингда ўсдим тийнатимда йўқ шикан.
Кўп жаҳон кездим, эшитдим йўқ ўзингдай ўзга юрт,
Турмушим аъло чунон, қудрат, қанотим бўлди фан.
Шул сабаб, мард, навқирон ўктамлик истарман сенга,
Бир баҳорий қудрату кўркамлик истарман сенга.

Эй Ватан, мадҳинг демак энг яхши ойиним менинг,
Сендаги ҳар ғунча гўёки жаҳонбиним менинг.
Тебраниб турган жаҳон бирла мулоқат нозик ишш,
Яхши ҳолат сақлашингга жонда таҳсиним менинг.
Сенда бор тинчлик учун оламча бардош, эътибор,
Четни бир иғвосига етмайди тамкиним менинг.
Юрди озодлик шамоли қитъаларда инқилоб,
Янги-янги дўст қўшилди сенга, таскиним менинг.
Меҳнат аҳли тотди ҳурлик нашъасинким, бағридан
Учди кафтарлар тўлиб осмонга, насриним менинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен мадад, ибрат кўп эл бошлашди бир эзгу ҳаёт,
Энди дер: «Золимга йўл бермайди сангиним менинг»
Сен мени шоир қилиб, бердинг қалам бурчим улуғ,
Шаънинга ҳар шеърки ёздим, сенга тазминим менинг.
Шул сабаб, мард, навқирон, ўктамлик истарман сенга,
Бир баҳорий қудрату кўркамлик истарман сенга.

Эй Ватан, мен ҳам қуриб бағрингда бир соз ошён,
Қўшганимдан холчалик кўрк сенга, шодмон бегумон,
Гар келиб оламга инсон қўшмаса ўз ҳиссасин,
Билмай ўтгай баҳрасиз у не жаҳону не замон.
Силсила авлод сени обод этиб, ўтгай мудом,
Ҳамма бир-бир кексаяр, лек сен қолурсан навқирон.
Бердинг орзу интилурман етгани, чунким сенга —
Зарра мақбул бўлмас, орзулик бўлолмас комрон,
Вақт билан аҳд айлашиб, умрим фаровон истадим,
Ҳосили фурсатни қутлуғ айламак истар жаҳон,
Қанча қайғу чекмайин турмушда, сен таскин бериб
Ўргатурсан келса мушкул менга енгмоқни ҳамон.
Тинч эсанг сен нашъали, дилбар ҳаётим, бахтима —
Бўл жаҳон ичра жаҳондек тоабад яшнаб омон.
Шул сабаб, мард, навқирон, ўктамлик истарман сенга,
Бир баҳорий қудрату кўркамлик истарман сенга.

Эй Ватан, фахрим менинг доруломон қудратлигинг,
Ифтихоримдир башар орзусига нисбатлигинг.
Беомон оламни титратган буюк жангларда ҳам
Солди ҳайратга жаҳонни соҳиби нусратлигинг.
Жанг хароб этган шаҳар, кентларни тиклаш аҳдида,
Қанча мушкул тўғри келса, енгди серғайратлигинг.
Яхши бинолар қуриб, йўлларни қилдинг соз, равон,
Кўрсатар, боғу хиёбонлар ўзинг санъатлигинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

То бу дам тинчлик, фаровонлик сенга қутлуғ шиор,
Яхши қандай дўст севар, меҳмон севар одатлигинг.
Бир қуёшсан, ўн беш ўлка сенга ким сайёрадек,
Интилиш бир жону тандек, иттифоқ журъатлигинг.
Раҳна тушмас то абад тошқалъа[1] бу дўстликка ҳеч,
Эй Ватан, баским, шудур олам аро ибратлигинг.
Шул сабаб, мард, навқирон, ўктамлик истарман сенга,
Бир баҳорий қудрату кўркамлик истарман сенга.

Ўн беш элнинг биттаси мен улғайиб ўсган диёр,
Юз уруғлик Ўзбекистон минг жилода пурвиқор.
Қад кўтарди, топди оро давру давронлик бўлиб,
Қолмади ўтмишдаги минг бир асоратдан ғубор.
Илму кашфиёт, ҳунарда энди ортиб санъати,
Шарқ эмас бир, ўзбегим дунёда топди эътибор.
Турфа хил маъданга бой ер ости битмас кон эрур,
Дону мева, зар унар устида мўл, меҳнат шиор.
Пайтахтим Тошкент бўлди бугун олам назар,
Боқма қай биносига, дўппинг тушар беихтиёр.
Дилбар ўлкамнинг табиат, иқлими тенгсиз гўзал,
Қай сари борсанг чаман, тоғ бағри кетган лолазор.
Ўксимай ўсдим Ватан бағрингда армон кўрмайин,
Ғайрату орзу билан сездим ўзимни бахтиёр.
Шул сабаб, мард, навқирон, ўктамлик истарман сенга,
Бир баҳорий қудрату кўркамлик истарман сенга.
Эй Ватан, умрим кечар мадҳинг ёзиб бу шон менга,
Тавсифингни қилмаган кун бир умр армон менга.
Меҳру эъзозингга содиқ ҳамма фарзандинг каби
Вақти келса ор талашмоқ жанговор майдон менга.
Бўлгани кўприк зафарга минглаб элдош жангдаким,

[1] Мустаҳкам қалъа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўйдилар бош, бу садоқат эзгулик фармон менга.
Жоним эъзоз кўрмагайман ҳеч маҳал сендан Ватан,
Бил керакмасдир ҳаёту танда сенсиз жон менга.
Сақлаш одатдир муқаддам элда аждод ҳурматин,
Ким улар руҳи билан ечмоқ чигал осон менга.
Бемалолман мен ёруғ юз яхши дўстлар олдида,
Ном қозонмоқлик шараф эл ичра, бу унвон менга,
Сен мададкор кору борим авжида ҳар дам Ватан,
Таҳсину таъзим сенга вожиб эрур ҳар он менга.
Шул сабаб, мард, навқирон, ўктамлик истарман сенга,
Бир баҳорий қудрату кўркамлик истарман сенга.

1980 йил, март.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

## ҒАЗАЛЛАР


ХИЁБОНЛАР . . . . . 3
МУНОСИБ . . . . . 4
ОНАХОНЛАР . . . . . 5
АҲД . . . . . 6
ЯНГИ ЙИЛ . . . . . 7
ДУНЁ — КИТОБ . . . . . 8
ЁШЛИГИНГ . . . . . 10
ГУЛТОЖ . . . . . 11
ЁШЛАР . . . . . 12
УЗМАС МЕҲР . . . . . 13
РОЗИ БЎЛ . . . . . 14
ХОНАНДА КИЗ . . . . . 15
КУЁВ . . . . . 16
ҚИЗЛАРИМ . . . . . 17
ҚУРСАТГАЙ . . . . . 18
СОЗ УҚИНГ . . . . . 19
ҚУРСАТ . . . . . 20
БИР ҚАШФ . . . . . 21
ЎЗИМ БИЛУРМАН . . . . . 22
ДАВР ЗУҲРОЛАРИ . . . . . 23
САЕҲАТ . . . . . 24
СЕВИБ САЙЛАГАНИМ БОР . . . . . 25
БАҲОРИНГ ҚЕЛАЖАКДИР . . . . . 26
ГЎЗАЛ ДАВРОН . . . . . 27
ЖОНАЖОН . . . . . 28
ЖОН ЧЕКМАСА . . . . . 29
ЭЛГА ҚУШИЛМАГУНЧА . . . . . 30
ҒАЙРАТНИ БЕР! . . . . . 31



www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОДЛИҚ ПИЕЛАСИ . . . . . 32
МУҲАББАТЛИҚ . . . . . 33
ТОЖИКИСТОН, АССАЛОМ! . . . . . 34
ВАФО ЗОЕ . . . . . 35
ҚУЙМА АЙБ . . . . . 36
ДИЛБАРМУ — ДИЛРАБОМУ . . . . . 37
УМРБОД ЭҲТИРОМДА . . . . . 38
ПАЛОВ МАҚТОВИ . . . . . 39
ИНТИЗОРМАН . . . . . 40
ДИЛДОРЛИҚ ИШИМ . . . . . 41
ҲАМШИРА ҚИЗГА . . . . . 42
ЙИГИТЛИК АЙЕМ . . . . . 43
ТОНГ ОТГАНДА . . . . . 44
ИМКОН БОРИЧА . . . . . 45
ИЛОЖСИЗ ҚОЛДИ . . . . . 46
БИР ҚУРИҚ . . . . . 47
ЖОНОНИГА ЕТДИ . . . . . 48
ДИЛБАРИМ БОРДИР . . . . . 49
ҲАР ЛАҲЗА . . . . . 50
ИЛҲОМИМ БИЛАН . . . . . 51
ҲУҚМИНГГА ОЛ . . . . . 52
БИР МУҲАББАТ . . . . . 53
КЕЗАРСАН БОҒ . . . . . 54
ОРЗУСИ ҚУТЛУҒ . . . . . 55
ВАФОСИН АЙТАЙ . . . . . 56
ВАФО БЎЛИБДИР . . . . . 57
ДУППИЛИК . . . . . 58
ҚАЙҒУЛИК ҚУРМАЙ . . . . . 59

## УЧЛИКЛАР

ОЛАМ ГУЛИСТОН . . . . . 60
ЄОЗ . . . . . 61
МЕНГА ШОДЛИКНИ ҚОЛДИРДИ . . . . 62
ДАРДИНГНИ ОЛАЙ . . . . . 63
ОШИҚЛАР ИЛТИЖОДА . . . . . 64
СИРЛИ ДУНЕ . . . . . 65
СОЗЛАРИНГ . . . . . 66
БУ ВАТАН . . . . . 67



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУСТАЗОДЛАР

ЕР КУШИДА . . . . . 68
ДИЛ ЯЙРАШИ . . . . . 69

## МУРАББАЛАР

ЕР ЭДИ . . . . . 70
ЖОНОН БУЛИБ . . . . . 71
КУЗИМ ТУЙМАС . . . . . 72
КИЛГИЛ ВАФОЛИКНИ ДУСТ . . . . . 73
САБОК . . . . . 74
ЯХШИ ТИЛАК . . . . . 75
БУРГУТ . . . . . 77
ЯШНА, БОР БУЛ, ВАТАН . . . . . 79

www.ziyouz.com kutubxonasi

С 35

**Саъдулла, Восит.**
Жонажон. (Ғазаллар) — Т. «Ёш гвардия», 1981.—88 б.
**Сагдулла В.** Моя родословная. Газели.

ББК 84Ўз7
Уз2

www.ziyouz.com kutubxonasi

На узбекском языке

В. САГДУЛЛА

**МОЯ РОДОСЛОВНАЯ**

ГАЗЕЛИ

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1981

Редактор Тўлкин
Рассом А. Донец
Расмлар редактори А. Ғуломов
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 822

Босмахонага берилди 20. 04. 81 й. Босишга рухсат этилди 31. 07. 81 й. Р—15944 Формати 60×90 1/32. I-босма қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,75. Шартли босма листи 2,75. Нашр листи 2,049 Тиражи 10.000 Буюртма № 151. Шартнома № 183—80. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Қомитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ
МАРҚАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
НАШР ЭТАДИ:

Э. Воҳидов
**ШАРҚИЙ ҚИРҒОҚ**
*Достон ва шеърлар*

А. Орипов
**СУРАТ ВА СИЙРАТ**
*Шеърлар*

Т. Сулаймон
**ҚАРО КЎЗЛИГИМ**
*Шеърлар*

Д. Файзи
**ЁЗ ЖИЛОСИ**
*Шеърлар*

Умарқул Пўлкан
**БИР БАҲОР ДОСТОНИ**

У. Усмонов
**ГИРДОБ**
*Роман*

Я. Ильясов
**СУҒДИЁНА**
*Роман*

Н. Ҳаитқулов
**ТОМЧИ**
*Қисса*

А. Ҳасанов
**ЧИН ҲАҚИҚАТ**
*Ҳикоялар*

Коллектив
**ИШҚ ИЗТИРОБИ**
*Ҳикоялар*

www.ziyouz.com kutubxonasi